

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2018
апрель

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Х.МУХАММЕДОВА

Викториан инглиз адабиётида аёл тақдирининг акс эттирилиш..... 73

ТИЛШУНОСЛИК**К.КАРИМОВ**

Маданиятларо мuloқot ва таржима муаммолари..... 76

У.НОСИРОВА

Поэтик нутқнинг прагматик хусусиятлари 80

Н.АХМАДЖОНОВ

Фразеологизмлар немис халқи миллий маданиятининг кўзгусидир 83

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Д.ОХУНОВА**

Талабалар онгида моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини шакллантириш асослари 86

ИЛМИЙ АХБОРОТ**А.ЎРИНОВ, Ф.ФОЗИЛОВА**

Коэффициенти узилишга эга бўлган оддий дифференциал тенглама учун умумлашган спектрал масала..... 89

Ш.КАРИМОВ, Л.РАХИМОВА

Векуа-Эрдей-Лоундес типидаги янги алмаштириш операторларни қуришнинг бир усули ҳақида..... 92

Х.ШОДМОНОВ, Ш.АКРАМОВ

Қанд лавлаги – қимматбаҳо техник экин..... 94

А.ҚАМБАРОВ, А.НУРМУҲАММАДЖОНОВ

Шайх Акбар (Улуг Шайх)нинг диний-фалсафий меросига бир назар 97

У.НАЗИРОВ

Бадий маданият: мазмун-моҳияти, структура ва функциялари..... 100

А.КОСИМОВ

XX аср ўзбек ва рус адабиётида тинчлик ва инсон тушунчаси (талқини ва тадқиқотлари)..... 102

Д.ХУСЕНОВА

Лев Толстойнинг “Иқрорнома”сида шарқона қарашлар ҳамоҳанглиги 105

А.МАМАТОВ, Р.АХРОРОВА

Концептнинг тоифалари..... 108

К.ХОДЖАХАНОВА

Мактаб ўқувчиларида натурадан расм ишлашга ўргатишнинг дидактик имкониятлари..... 110

Б.ҚУРБОНОВА

Ўқувчи ёшларнинг маънавий дунёқарашини тасвирий санъат орқали тарбиялаш омиллари..... 113

Н.МЕРГАНОВА

Хорижий тил дарсларида ноанъанавий методлардан фойдаланишнинг ўзига хос аҳамияти..... 115

Э.ДЖАББАРОВА

Модуляр таълим инновацион таълим сифатида 118

И.ЮЛДАШЕВ, И.ПЎЛАТОВ

Узлуксиз таълим жараёнида тасвирий санъат дарсларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари 121

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Ибратли ҳаёт йўли..... 124

ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография..... 127

ХОРИЖИЙ ТИЛ ДАРСЛАРИДА НОАНЬАНАВИЙ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҮЗИГА ХОС АҲАМИЯТИ

Н.Мерганова

Аннотация

Ушбу мақолада чет тили дарсларида ноанъанавий методлардан фойдаланишинг үзига хос аҳамияти кўрсатиб ўтилган.

Аннотация

В статье речь идёт об особом значении использования нетрадиционных методов обучения на уроках иностранного языка.

Annotation

The article deals with the importance of non-traditional methods usage in the foreign language lessons.

Таянч сўз ва иборалар: ижодкорлик, мулоқот кўниумаси, мулоқот компоненти, фикрларни чет тилида баён этиш, фикр алмашиш.

Ключевые слова и выражения: креативность, коммуникации, навык общения, выражение мыслей на иностранном языке, обмен мнениями.

Keywords and expressions: creativity, communication skills, communication component, expression opinions in foreign language.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида қабул қилинган таълим концепциясига асосан чет тили дарсларида ноанъанавий методлардан ўринли фойдаланиш таълим тизимининг долзарб масалаларидан бири экани таъкидланган.. Зоро, хорижий тилга бўлган эътиборнинг кучайиши биз ўқитувчилардан чет тили дарсларида янги инновацион педагогик изланишга йўналтирилган усул ва услубиятдан фойдаланишни тақозо этмоқда.

Хорижий тил дарсларида ноанъанавий методлар талабаларни фаоллаштирувчи, тилга бўлган қизиқишини кучайтирувчи, энг асосийси, тилни онгли равишда эгаллашни ўргатувчи асосий омил эканини уқтироқчимиз. Бунинг моҳияти шундаки, бундай дарсларда дарсни ташкиллаш жараёни ўқитувчи ва ўкувчи томонидан биргалиқда олиб борилади. Шунингдек, ноанъанавий усуллар асосида ташкил этилган дарсларда ўкувчи нафақат ақлан, балки руҳан, жисмонан ҳаракатга келиб, дунёвий онги, идроки такомиллашади.

Бу усуллар ҳақида шуни айтиш мумкинки, грамматик таржима методидан фарқли равишда ноанъанавий методларга асосланган дарс талабаларда мулоқот кўниумасини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, мавзулар кундалик ҳаётимиздан олинган бўлади. Албатта, мавзуни танлашда талабаларнинг билим

даражаси, ёши, уларнинг қизиқиши ва улар учун муҳим мавзу бўлишига эътибор қаратилади. Масалан, германистика йўналиши 2-курс талабаларига “Хорижда билим олиш”, “Китоб ярмаркасида”, “Ижара уйлари”, “Талабалик гувоҳномаси”, “Оммавий ахборот воситалари” каби мавзуларни 1-семестр давомида ўтилади. Олиб борилган тажрибаларимиздан шуни айтишимиз мумкинки, бу мавзуларга талабалар катта қизиқиш билан қарайдилар ва натижада дарсдан ташқари вақтларда бу мавзуни бошқа талабаларга ҳам чет тилида эркин сўзлаб беришга эришадилар. Чунки, бундай мавзулар уларнинг кундалик ҳаётида учрайди ва улар учун айни пайтда ҳам қизиқарли, ҳам муҳим саналади. Тилни эгаллашда аниқлик, ҳар кун кўз ўнгимизда рўй берадиган воқеа-ходисаларга таяниш, кўргазмали материаллардан мақсадли фойдаланиш ўз аҳамиятига эга.

Ноанъанавий дарснинг турли хил методларини тажриба, назорат ўтказишида кузатишимиз мумкин. Қуйида диққатни энг кўп кўлланиладиган усулларга қаратамиз:

1. Баҳс-мунозара методи. Бунда талабалар аввало ўзаро фикр алмашадилар, кейин эса ўзларининг берилган мавзуга оид фикр-мулоҳазалари, тасавурлари ва режалари ҳақида сўзлаб

Н.Мерганова – ФарДУ немис ва француз тиллари кафедраси ўқитувчиси.

берадилар. Шунингдек, улар ўз фикрларини қанчалик аниқ, түғри эканлигини мисоллар ёрдамида асослаб беришлари керак ва шу тарзда мавзу бўйича гуруҳда баҳс-мунозара пайдо бўлиши лозим. Ушбу методнинг аҳамиятли жиҳати талabalар чет тилида баҳс-мунозара олиб боришни ўрганадилар, бунда, албатта, баҳслашиш учун маҳсус сўзлар ўқитувчи томонидан олдиндан берилиши ва бу нутқ воситаларини талabalар ёд олишлари шарт. Акс ҳолда баҳслашишга киришиб кетган талabalар ўз она тилларида ҳам сўзлай бошлайдилар.

2. Манфий-мусбат методи. Ушбу метод ҳам баҳс-мунозара методининг бир тури бўлиб, бунда берилган мавзуга икки хил ёндашув кузатилади. Яъни гуруҳ иккига бўлинниб, биринчи гуруҳ бирон-бир масаланинг салбий томони ҳақида сўзласа, иккинчи гуруҳ эса бу масалага ижобий ёндашиши керак бўлади. Аввало ҳар икки гуруҳ ҳам ўз фикрларини аниқ далиллар асосида исботлаши лозим. Бироқ дарс охирида икки гуруҳнинг фикрлари жамланиб, якуний қарорга келиниши шарт. Бу қарорнинг қабул қилинишида ҳар бир фикр эгасининг фикри кўллаб-кувватланади.

3. Ролли ўйинлар. Ролли ўйинлар чет тилни ўрганувчиларда мулоқот компонентларини фаолластиради. Ролли ўйинлар талabalarda самарали мулоқот компетенциясини шакллантирувчи муҳим методлардан биридир [2.184].

Ноанъанавий дарс талabalарнинг билим даражасига, қизиқишлирга мос келиши, уларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириши, муаммоларни ечишга, бирон- бир қарорни қабул қилишга ўрганиш ва уларни амалиётда кўллай олиш кабиларни қамраб олади.

Мисол учун, чет тиллар факультети немис тили йўналиши 16.57-гуруҳ талabalарига “Пластик карта” мавзусини ўтганимизда, талabalар ўзларига нима учун ушбу мавзу мен учун муҳим, қачон бу мавзуга оид сўзлардан фойдаланаман, каби саволларни ўзларига бериб жавоб топишлари вазифа қилиб берилди. Бундай саволларни биз ўйин ёрдамида ҳам ташкил этдик. Талabalар қарама-қарши туришиб, бир-бирлари билан ўтилган мавзу бўйича маълумотларини, фикрларини савол-жавоб тариқасида алмашдилар. Бу эса уларни

мавзуга бўлган қизиқишлирини янада оширишга ҳизмат қилди.

Бундай дарс турида талаба масъулияти янада юқори бўлади, улар гуруҳларда ишлашади, бу эса уларни бирдамликка чақиради, биргаликда режалар тузадилар, ҳатто дарс жараёнини режалаштириша ўз фикрларини билдирадилар, муаммоларни биргаликда ҳал этадилар. Буларнинг барчаси эса уларда ижодкорлик ва мустақил фикрга эга бўлишни, чет тилига бўлган иштиёқни кучайтиради десак адашмаган бўламиз.

Ўтказилган таҳлил ва тажрибаларимиздан шу маълум бўлдики, аввало мавзуларни танлашда педагогик жиҳатдан мазмунга бой, шу билан бирга ўрганилаётан мамлакат анъана ва одатларини ҳам акс эттирадиган бўлишига эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, германистика йўналиши талabalariга ҳозирги замон долзарб муаммоларини ўз ичига олган Ўзбекистон ва Германия учун айни пайтда муҳим бўлган мавзуларни танлашимиз керак.

Ноанъанавий дарсда кўлланиладиган технология ва материаллар ҳақида тўхталсак, бу дарс турида кўлланиладиган расмлар ўқувчиларнинг фантазиясини оширишга, мавзуни тақдим эта олиш кўнижасини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Мавзуга киришда ассоциограммадан фойдаланиш жуда кўл келади. Талabalар кичик гуруҳларда ишлайдилар, улар янги мавзу ҳақидаги бор билимларини ўқитувчи томонидан берилган қоғозга сўзлар, турли хил расмлар, белгилар, фикрлар тушириш орқали намоён этадилар ва, албатта, натижа доскада тақдим этилиши лозим.

Шунингдек, дарснинг барча шаклларидан, яъни якка тартибда, жуфтлиқда, гуруҳда ва омма билан ишлаш кабилардан фойдаланиш аҳамиятга моликдир. Шунинг учун ўқитувчи дарсни режалаштираётганда, дарс шаклларига ҳам эътибор қаратиши шарт. Жуфтлиқда ишлаш учун саволлар ёзилган кичик карточкалар, мос келувчи гаплар ёрдамида ҳамроҳини топиш кабилардан фойдаланса бўлади. Саволлар карточкаси талabalарни ҳамжиҳатлиқда ишлашга, маълумотларнинг алмashiшга, ўзаро дўстона муносабатлар

ИЛМИЙ АХБОРОТ

ўрнатилишига хизмат қиласи. Тарқатма материаллар, машқлар эса мавзуни мустаҳкамловчи муҳим воситалардир [3.31].

Бироқ, бундай дарс тури асосан муроқотни шакклантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва ўқитувчи талабаларга ҳар бир мавзуга оид нутқ бирикмаларини олдиндан бериши, талабалар эса бу бирикмаларни ёд олиши, шунингдек оғзаки нутқда албатта қўллай олиши керакдир. Акс ҳолда баҳс-мунозара ёки ўзаро сұхбатлар давомида талабалар она тилида кўпроқ сўзлашлари кузатилади. Шунинг учун баҳслашганда, савдолашганда ёки илтимос, ёрдам қўлини чўзиш каби ифодаларни талабалар чет тилида айта олишлари учун маҳсус нутқий бирикмалар ўргатилади. Аммо гуруҳда ишлаш, баҳс-мунозаралар олиб боришка барча талабалар ҳам бирдек фаол иштирок этмайдилар, сабаби ўз-ўзидан маълумки, талабаларнинг тил билиш даражалари ҳамиша ҳам бир хил бўлавермайди, баъзилар фикрларини чет тилида баён этишга қийналадилар ва натижада ўз она тилида баён этишга мажбур бўладилар. Бундай ҳолларда ўқитувчи сергак бўлиши, баҳсга қўшилмаётган, ёки ўз она тилида сўзлаётган талаба ёнига келиб, унга ёрдам бериши керак. Фикрларни баён қилишда оддий сўзлардан фойдаланишини унга ўқтириши, муҳими, бу талабанинг чет тилида сўзлаш қобилияти мавжуд эканлигини унга англастиши лозим.

Ноанъанавий дарснинг мақсади ҳам талаба нафақат дарс давомида, балки кундалик ҳаётида ҳам чет тилида муроқот қилишини таъминлашдир. Аввалги анъанавий дарс туридан фарқли равишда, бу дарсда талаба нафақат маълумотларни

қабул қилувчи шахс, балки ўкув жараёнининг фаол иштирокчисига айланиши, хорижий тилни ўрганишда ижодкорликка таяниши, асосийси, аниқ мақсад сари интилаётганлигини ўзи англаб етган ҳолда, тилни қаерда, қачон керак бўлишини англаган ҳолда ўрганиши талаб этилади. Ноанъанавий дарсни олиб бораётган ўқитувчи энди дарс жараёнини марказида турмайди, у факат талабаларга ёрдамчи, маслаҳатчи ва жараённи кузатиб, бошқариб турувчи шахсга айланади.

Ноанъанавий чет тили дарсини олиб боришка кўйидаги тавсияларни эътиборингизга ҳавола этамиш:

- талабаларнинг билим даражаси қисман бўлса-да, бир хил бўлиши керак;

- ўқитувчи талабага янги билимларни боришка албатта уларнинг шу кунга қадар эгаллаган билим ва тажрибаларига таяниши;

- уларнинг дунёқарашига, характеристига эътибор бериши, оилавий аҳволи, миллый маданиятини ҳисобга олиши;

- мавзулар ҳам юқорида айтиб ўтилган мезонларга асосланиши, тили ўрганилаётган мамлакатда айни вақтда долзарб муаммоларни ифодалashi ва у талабаларга қизиқарли бўлиши алоҳида аҳамият касб этади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, хорижий тил дарсларида ноанъанавий методлардан фойдаланиш ўкувчи ва талабаларда мустақил фикрлай олиш, мавзуга бўлган муносабатини чет тилда эркин ифодалай олиш имконини беради, дарсдан ташқари вазиятларда ҳам маълум бир мавзу бўйича чет тилда муроқотга кириша олишни таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Ярашева Б. Замонавий дарс ва унга бўлган педагогик-услубий талаблар. Ўкув-услубий қўлланма. –Т., 2015.
2. Нойнер Герд., Хунсфелд Х. Чет тили ўқитиш методикаси. – Берлин.: Лангеншайдт, 1993.
3. Leonardo Projekt. Handlungsorientierter Fremdsprachenunterricht. Didaktisches Konzept – Берлин.: Хюбер, 2000.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева, педагогика фанлари доктори, профессор).